



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

# ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 11 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 11

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 11



ТОШКЕНТ-2025

**Бош мухаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош мухаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

## ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**Юнусова Хуршида Эркиновна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Аширов Адхам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
ЎзР. ФА. Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
ЎзР. ФА. Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Телави давлат университети

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

**Аминова Азиза Марковна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Навоий давлат педагогика институти

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

**Худайқулов Тулқин Дўстбоевич**  
Тарих фанлари доктори (DSc)  
Шаҳрисабз дала педагогика институти

**Гофоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қариши давлат техника университети

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Эшов Боходир Жўраевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қариши давлат университети

**Махкамova Надира Рахмановна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Тошкент ахборот технологиялари университети

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Телави давлат университети

**Абдуллаева Яхшибека Агамуратовна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодири Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Ўзбекистон Фанлар академияси

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Андижон давлат университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Санкт-Петербург Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қозогистон давлат тарихи институти

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,  
Қозогистон Миллий университети

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Тожибоев Музаффар Турдибоевич**  
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
ИИБ Академияси

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Озарбайжон давлат университети

**Сайнова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори (DSc),  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Таниева Гулдона Мамановна**  
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,  
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

**Дорошенко Татьяна Ивановна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Азербайдон давлат  
иқтисодиёт университети

**Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Гулистон  
давлат педагогика институти

**Нуруллаева Шоира Кушназаровна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Урганч давлат университети

**Курбанов Бахтияр Журабаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Наманган давлат университети

**Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети  
**Масъул котиб**

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Телави давлат университети

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Қозоғистон дипломатия академияси

**Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Исаков Баҳадир Нигматуллаевич**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Холмуродов Дилшод Рашидович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), Жиззах давлат  
педагогика университети

**Юсупов Аҳмеджон Шоназарович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доценти  
Urganch davlat universiteti

**Тиллажаева Хуршида Джумаваевна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Тошкент давлат техника университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети  
**Масъул котиб**

**Исоқов Бахтиёр Робидинович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Наманган давлат университети

**Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент,  
Наманган давлат университети

**Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доцент,  
Наманган давлат университети

**Алимардонов Отабек Қудратович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), доценти  
Ўзбекистон Миллий университети


**Турсунова Юлдуз Бобоқулловна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
ЎзР. ФА. Тарих институти

**Азаматова Гулмира Байирбековна**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Jizzax davlat pedagogika universiteti

**Каримжонов Жасурбек Мухторжонович**  
тарих фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD),  
Ўзбекистон Миллий университети

## МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


<b>1. Рахбар Муртазаева</b> МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚА ДАВЛАТЛАРИДА ИЛМ-ФАННИНГ ФЕМИНИЗАЦИЯЛАШУВИ.....	5
<b>2. Тўлқин Алиев</b> ТОШКЕНТ ШАҲРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	16
<b>3. Нодирабегим Ваисова</b> ВКЛАД Ю.Ф. БУРЯКОВА В ИССЛЕДОВАНИЕ ИСТОРИИ СОГДИАНЫ.....	25
<b>4. Sevara Elmurodova</b> MUSTAQILLIK YILLARIDA MAKTABGACHA TA'LIM TIZIMIDAGI ISLOHOTLAR.....	32
<b>5. Risqiniso Maxmudova</b> O'ZBEKISTON SSRDA ALIFBO SIYOSATINING GEOSIYOSIY MAQSADLARI.....	38
<b>6. Mohira Matnazarova</b> ILK TEMIR DAVRIDA OROLBO'YI KO'CHMANCHI AHOLISINING IJTIMOIIY-IQTISODIY HAYOTI.....	44
<b>7. Nargiza Raxmatova</b> O'RTA OSIYO XALQLARI MUSIQA MADANIYATI TARIXIDAN.....	48
<b>8. Фаррух Разаков</b> СТАНОВЛЕНИЕ ПОЛИТИЧЕСКИХ И ДИПЛОМАТИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ ОСМАНСКОЙ ИМПЕРИИ С ГОСУДАРСТВОМ ШЕЙБАНИДОВ.....	54
<b>9. Hilola Normamatova</b> CHOCHDA ZARB ETTIRILGAN G'ARBIY TURK XOQONLIGI TANGALARIDAGI DINIY- SIYOSIY RAMZLAR.....	63
<b>10. Нодира Холмонова</b> РОССИЯНИНГ ХИВА ХОНЛИГИДА ЮРИТГАН ИҚТИСОДИЙ - ПУЛ СИЁСАТИ (айрим тадқиқотлар мисолида).....	67
<b>11. Rashid Xolmurodov</b> JIZZAX VILOYATIDA TURIZMNING RIVOJLANTIRILISHI.....	72
<b>12. Davlatbek Qudratov</b> O'ZBEKISTON VA BANGLADESH: ISLOM HAMKORLIK TASHKILOTI DOIRASIDA IQTISODIY VA GUMANITAR HAMKORLIK ISTIQBOLLARI.....	79



**Рахбар Хамидовна Муртазаева,**  
Ўзбекистон Миллий университети  
профессори, тарих фанлари доктори,  
Ўзбекистон хотин-қизлар “Олима” уюшма раиси

### МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚА ДАВЛАТЛАРИДА ИЛМ-ФАННИНГ ФЕМИНИЗАЦИЯЛАШУВИ

**For citation:** R.Kh. Murtazaeva. FEMINIZATION OF SCIENCE IN THE CENTRAL ASIAN COUNTRIES. Look to the past. 2025, vol. 8, issue 11.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.17966630>

#### АННОТАЦИЯ

Аниқ маълумотлар ва расмий ҳужжатлар асосида илмий мақолада Марказий Осиё ўз тараққиётининг янги, тарихий аҳамиятга молик босқичига қадам қўйганлиги ҳамда давлат раҳбарлари Мувофиқлаштирувчи Кенгашларни ушбу жараёнлардаги ўрни кўрсатилган. Марказий Осиё олима аёлларни илм-фандаги ютуқлари, уларнинг жаҳон илмий жамоатчилиги, томонидан тан олинishi очиб берилган. Қозоғистон ва Қирғизистонда илм-фанда феминизациялашуви жараёнлари жадал ўсиши ҳақида статистик маълумотлар орқали тасдиқланган. Ҳар бир мамлакатнинг олима аёллари фақат гуманитар соҳаларда фаолият кўрсата олади – деган стереотип бузилганлиги табиий фанлар, аниқ, қишлоқ хўжалиги, регенератив тиббиёт соҳаларда олималарни ютуқларида очиб берилган.

**Калит сўзлар:** олима аёл, инновация, минтақа, ҳамжиҳатлик, ютуқлар, илмий салоҳият, илм-фанни феминизациялашуви.

**Рахбар Хамидовна Муртазаева,**

доктор исторических наук,  
профессор Национального университета Узбекистана,  
председатель Ассоциации женщин Узбекистана «Олима»

### ФЕМИНИЗАЦИЯ НАУКИ В СТРАНАХ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКОГО РЕГИОНА

#### АННОТАЦИЯ

В научной статье, основанной на конкретных данных и официальных документах, показано, что Центральная Азия вступила в новый, исторически значимый этап своего развития, а также роль глав государств - Координационных советов в этих процессах. Раскрыты научные достижения женщин-ученых Центральной Азии, их признание мировым научным сообществом. Статистические данные подтверждают быстрый рост процессов феминизации в науке в Казахстане и Кыргызстане. Нарушение стереотипа о том, что женщины-ученые каждой страны могут работать только в гуманитарных областях, раскрыто в достижениях ученых в области естественных наук, точных наук, сельского хозяйства, регенеративной медицины.

**Ключевые слова:** женщина-учёный, инновация, регион, единство, успехи, научный потенциал, феминизация науки.

**R. Kh. Murtazaeva,**

Professor at the National University of Uzbekistan,  
Doctor of Historical Sciences,  
Chairwoman of the Uzbekistan Women  
Scholars' Association "Olima"

## FEMINIZATION OF SCIENCE IN THE CENTRAL ASIAN COUNTRIES

### ABSTRACT

Based on precise data and official documents, this scholarly article highlights that Central Asia has entered a new and historically significant stage of development, and it underscores the role of Coordinating Councils established by the heads of state in these processes. The achievements of female scholars in Central Asia and their recognition by the global scientific community are revealed. The rapid growth of feminization processes in science in Kazakhstan and Kyrgyzstan is confirmed through statistical data. The stereotypical assumption that women scholars in each country can only be active in the humanities has been disproven by demonstrating their achievements in the natural sciences, exact sciences, agriculture, and regenerative medicine.

**Index Terms:** female scholar, innovation, region, solidarity, achievements, scientific potential, feminization of science.

### Мавзунинг долзарблиги:

Ҳозирги шароитда Марказий Осиё буткул дунё сиёсатининг фаол иштирокчиси ҳисобланади. Минтақага жаҳон жамоатчилиги ва халқаро муносабатлардаги асосий акторлар томонидан тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Бу, шунингдек, минтақа давлатларининг фаолиятининг кучайиши ва уларнинг минтақавий ҳамда глобал сиёсатнинг муҳим масалаларини муҳокама қилиш ва ҳал қилишдаги иштироклари билан ҳам боғлиқ.

Қисқа вақт ичида Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликда катта ўзгаришлар содир бўлди, улар ҳақида расмий манбалар, таҳлилчиларнинг ишлари ва оммавий ахборот воситалари орқали маълумотлар олиш мумкин. Гуруҳ билан қайд этиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил сентябрда БМТнинг 72-сессиясидаги нутқи, шунингдек, шу йил ноябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган «Марказий Осиё: ягона ўтмиш ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва ўзаро фаровонлик учун ҳамкорлик» халқаро конференцияси ва кейинги тадбирлар Марказий Осиё халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган комплекс дастурнинг бир қисмини ташкил этади.

2016 йилга қадар Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан муносабатларидаги вазият йиллар давомида тўпланиб қолган масалалар комплексини қайта кўриб чиқишни талаб қилган эди. Ҳозирда ўтмишдаги тўсиқлар бартараф этилиб, ўзаро яқинлашиш ва минтақавий манфаатлар йўлидаги муаммолар ҳал қилинди. Савдо, инвестиция, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация, минтақавий ҳамкорлик, чегаравий маданий ва гуманитар алоқалар, хавфсизлик ва замонавий таҳдидларга қарши биргаликда чоралар кўриш соҳаларида алоқалар фаоллашди ва кенгаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев аниқ ва равшан белгилаб бердики, мамлакатнинг асосий ташқи сиёсатининг устувор йўналиши қўшни давлатлар билан очиқ ва конструктив сиёсат олиб боришдан иборат. Марказий Осиёга оид масалаларни тенг ҳуқуқ, ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш ва ақлли компромисслар асосида ҳал қилишдан иборат. Буларнинг барчаси Марказий Осиёни барқарорлик, хавфсизлик ва фаровонлик минтақасига айлантиришга қаратилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш ва минтақанинг барқарор ва динамик ривожланишини таъминлаш, Марказий Осиё давлатлари ўртасида ҳамоҳанг ва

бирдамлик ҳамкорликка боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, қардош давлатлар билан шериклик минтақавий барқарорликни мустаҳкамлаш ва Марказий Осиёда ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Марказий Осиё: ягона ўтмиш ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва ўзаро фаровонлик учун ҳамкорлик” форумида Марказий Осиё минтақасининг келажаги учун қуйидаги аниқ вазифаларни белгилаган:

- Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва товар айланмасини ошириш ҳамда кооперацияни мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- Минтақанинг транзит-логистик салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва транзит инфратузилмасини ривожлантириш;
- Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида амалий ҳамкорликни чуқурлаштириш;
- Давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш жараёнини тез ва барча тарафлама яқунлаш;
- Минтақада сувдан адолатли фойдаланиш масалаларини ҳал қилиш;
- Маданий ва гуманитар алоқаларни, давлатлар ва халқлар ўртасида дўстлик ва қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш.

Нутқда қўйилган глобал вазифалар сўнгги саккиз йилда изчил амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, узоқ муддатли дастурларни амалга ошириш жараёни ҳам давом этмоқда. Марказий Осиё давлатлари минтақада интеграцияга альтернатива йўқлигига бирдек ишонч билдирмоқдалар.

Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг VII маслаҳат учрашуви доирасидаги минтақавий интеграция иттифоқи харитасида юзага келган тарихий воқеалар ривожини 2025 йил 15–16 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган саммитда яққол намоён бўлди. Бу расмий учрашувда биринчи марта Озарбайжон иштироки интеграцион ҳамкорлик географиясини кенгайтиришнинг янги босқичига ўтганлигини намоён этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев минтақада юз бериб турган жараёнларга ҳар томонлама баҳо берар экан, мазкур учрашув марказий осийлик давлатлар ўртасида ишонч муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

#### **Тадқиқотнинг усуллари:**

Мақола ёзишда илмийлик, холислик тамойиллари ва қиёсий-хронологик, тизимлаштириш, статистик таҳлил усуллардан фойдаланилди.

#### **Асосий қисм:**

Ўзбекистон Президентининг ҳар бир нутқида илм-фанни ривожлантиришга ҳамда хотин-қизларни илмий фаолият олиб боришга алоҳида эътибор қаратадилар. Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКОнинг 43-сессиясидаги нутқларида қуйидаги таклиф киритилиши келажакда олималарга илм-фанда юқори ютуқларни қўлга киритишига хизмат қилади.

“Гендер тенглиги ЮНЕСКОнинг фундаментал, устувор вазифаларидан бири бўлиб, Ташкилотнинг барча ташаббуслари унга интеграция қилиниши зарурлиги белгилаб қўйилган. Бу борада аъзо давлатларнинг энг илғор тажриба ва амалиётини ўрганиш, билимлар алмашиш мақсадида Хотин-қизлар етакчилиги бўйича ЮНЕСКО академиясини ташкил этиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, Самарқандда барча китъаларнинг машҳур тадқиқотчилари, санъат намояндалари, педагог ва ихтирочи хотин-қизларнинг Таълим, маданият ва фан соҳасидаги глобал форумини ўтказишни таклиф этамиз”[1], дея таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев.

Тошкент саммитидаги Президентнинг таклифлари ҳам Марказий Осиё давлатлари илм-фанини интеграциялашувини янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

“Маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш, - дейди Ш.М.Мирзиёев, биродар халқларимизнинг умумий интилишларига тўлиқ жавоб беради.

Бизнинг минтақа минг йиллар давомида жаҳон цивилизацияси, буюк ғоялар яратиладиган, халқларни маданий ва маънавий жиҳатдан ўзаро бойитадиган марказлардан бири бўлиб келган.

Кеча биз сизлар билан биргаликда Ислом цивилизацияси марказида бўлдик. Ушбу марказ илмий билимлар ва ғоялар яратиш, тадқиқотлар олиб бориш, умумий маданий-тарихий меросимизни оммалаштириш учун ноёб платформадир.

Марказ ёшларимиз, уларнинг илмий ва маънавий юксалиши учун хизмат қиладиган масканга айланишига умид қиламиз.

Кунини кеча Тошкентда маънавий мерос ва маърифатпарварлик ғояларига бағишланган биринчи Халқаро конгрессни ўтказдик. Бундай учрашувларни мунтазам ташкил этишни зарур, деб ҳисоблайман. Конгрессни ҳар йили, форматимизда раислик қилувчи мамлакатда ўтказиб боришни таклиф этамиз.

Шу ўринда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг минтақамиз таниқли олим ва мутафаккирларининг глобал маърифатпарварлик ривожига қўшган ҳиссасига бағишланган Махсус резолюциясини қабул қилиш борасида Ўзбекистоннинг ташаббусини қўллаб-қувватлашингизга умид қиламиз.

Бундан ташқари, Минтақавий илмий тадқиқотлар жамғармасини тузишни таклиф этамиз. Бу давлатлараро илмий лойиҳаларни молиялаштириш, академик ҳамжамиятни рағбатлантириш, минтақанинг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш, шунингдек, мамлакатларимизнинг устувор ижтимоий-иқтисодий вазифаларини ҳал қилиш учун сунъий интеллект технологияларини жорий этиш бўйича имкониятларимизни кенгайтиришга хизмат қилган бўлар эди” -дея таъкидлаган ҳолда илм-фанга алоҳида эътибор қаратди [2].

Фан – жамиятнинг энг қимматли капитали, ҳар қандай давлатнинг бойлиги бўлиб, унинг фаровон бугуни ва келажагини белгилаб беради. Асосий (фундаментал) фан эса жамиятни илмий-техникавий тараққиётнинг олий чўққиларига етакловчи локомативнинг бир қисми ҳисобланади.

ЮНЕСКОнинг “2030 йилгача фан тўғрисидаги Ҳисоботи”да таъкидланишича, илмий билимларни яратиш ва уларни тарқатиш - барқарор ижтимоий-иқтисодий фаровонликни таъминлаш ҳамда жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув учун муҳим шартдир. Замонавий тез ривожланётган иқтисодиёт шароитида бирор бир давлат инновациялардан четда қолиши мумкин эмас. Айти фан янги ёндашувлар, ечимлар ва технологиялар учун асос яратади.

Миллий фанни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган энг муҳим ҳужжатлардан бири - Президент томонидан 2019 йил 29 октябрда имзоланган **“Фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонун** бўлди. Унда таъкидланишича, фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш, янги тармоқларни яратиш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш билан боғлиқ муаммоларни илмий жиҳатдан ҳал этиш мақсадида ишлаб чиқилади.

Шунингдек, 2020 йил 29 октябрда давлат раҳбари **«2030 йилгача фанни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони**ни имзолади. Ҳужжат фан соҳасини янада такомиллаштиришнинг барча йўналишларини қамраб олади ҳамда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш орқали иқтисодиёт соҳасида юқори кўрсаткичларга эришиш бўйича бир қатор муҳим вазифаларни белгилаб беради.

Юқоридаги ҳужжатлар барча минтақа давлатларда ишлаб чиқилган ва илм-фанни ривожланишига қаратилган. Масалан, Қозоғистонда 2024 йил 22 июлда “Илм-фан тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилиниб, 2025 йил 1 январдан кучга кирди. Қирғизистонда ҳам “Илм-фан” тўғрисидаги Қонун 2023 йил 8 августда, Тожикистонда 2019 йил 19 ноябрда “Илмий фаолият ва давлатнинг илмий-техник сиёсати тўғрисида”ги Қонуни, Туркманистонда “2024–2052 йилларда илм соҳасини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш” тўғрисида Президент Фармони қабул қилинган.

Марказий Осиё мамлакатларда хотин-қизларни илмий фаолиятига алоҳида давлат эътибор марказида бўлганлиги Ўзбекистондаги ҳолатдан хулоса чиқариш мумкин: [3]

## Олий таълим муассасаларида илмий салоҳият

Т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар								
		2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025*
1.	Илмий салоҳият (фоизда)	32,7	34,5	37,2	38	39,3	39	38,2	45	46

## Докторантурага қабул квоталари сони

Т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар								
		2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025*
1.	Докторантурага ажратилган квоталар сони	242	504	638	949	1 015	2 747	3 440	5200	5250
<b>шу жумладан:</b>										
1.1	Таянч докторантура (PhD)	-	488	603	903	882	2 569	3 271	4270	4569
1.2	Докторантура (DSc)	-	16	35	46	59	178	169	430	332
1.3	Стажёр-тадқиқотчилар сони	-	-	-	143	210	342	329	500	350

## Диссертация ҳимоялари сони

Т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар								
		2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025*
1.	Докторлик диссертация ҳимоялари сони	343	841	1 056	1 252	1 765	2 838	2728	3692	938
<b>шу жумладан:</b>										
1.1.	Таянч докторантура (PhD)	221	645	853	1 057	1 521	2 534	2395	3206	806
1.2.	Докторантура (DSc)	122	196	203	195	244	314	333	486	132

## Илмий кенгашлар сони

Т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар								
		2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025*
1.	Илмий кенгашлар сони	40	120	152	214	247	283	289	255	292
<b>шу жумладан:</b>										
1.1.	Олийгоҳлардаги илмий кенгашлар сони	28	74	86	106	172	177	179	243	274

## Докторантура мавжуд ОТМлар сони

Т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар								
		2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025*
1.	Олий таълимдан кейинги таълим	45	45	47	69	72	82	85	136	140

	институтлар сони									
--	------------------	--	--	--	--	--	--	--	--	--

## Таянч докторант, докторант, мустақил тадқиқотчилар сони

Т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар								
		2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025*
1.	Олий таълим муассасаларида докторантлар сони	855	1461	2054	2675	3337	5281	5605	8588	9663
1.1	Таянч докторантура (PhD)	718	1343	1923	2541	3162	4961	5322	8046	9029
1.2	Докторантура (DSc)	137	118	131	134	175	317	283	542	634
2.	Олий таълим муассасаларида мустақил изланувчилар сони	856	1582	3239	2248	4455	5036	6347	10088	11189
2.1	Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун мустақил изланувчи	761	1446	2920	2065	3941	4545	5726	9018	9725
2.2	Фан доктори (DSc) илмий даражаси учун мустақил изланувчи	95	136	319	183	444	491	621	1070	1464

## ОТМлардаги академиклар сони (эркак/аёл)

Т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар								
		2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025*
1.	Олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган академиклар сони	30	30	30	27	26	23	23	56	56

Изоҳ: ОТМ ларда фаолият юритаётган академиклар орасида аёллар йўқ.

## ОТМлардаги фан номзодлари (PhD) сони (эркак/аёл)

Т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар								
		2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025*
1.	Олий таълим муассасаларидаги фан номзодлари (PhD) сони, жумладан:	6649	7050	7868	9090	10029	10651	11477	13797	14723

1.1	Эркаклар	4 78 8	5 05 0	5 744	6 554	7 231	7 680	8 379	8706	9484
1.2	Аёллар	1 86 1	1 97 4	2 124	2 536	2 798	2 971	3 098	5091	5239

**ОТМлардаги фан докторлари (DSc) сони (эркак/аёл)**

Т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар								
		2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025*
1.	Олий таълим муассасаларидаги фан докторлари (DSc) сони сони:	1 666	2 023	2 256	2 312	2 657	2 799	2 764	3197	3425
1.1	Эркаклар	1 183	1 437	1 602	1 642	1 888	1 988	1 935	2228	2446
1.2	Аёллар	483	586	654	670	769	811	801	969	979

**Маҳаллий журналларда нашр этилган мақолалар сони**

Т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар								
		2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025*
1.	Профессор-ўқитувчилар томонидан маҳаллий журналларда нашр этилган мақолалар сони	3 736	6 756	10 484	13 972	17 820	24 654	3 418	48669	9927

**Scopus/Web of Science базаларида индексланувчи журналларда нашр этилган мақолалар сони**

Т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар								
		2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025*
1.	Профессор-ўқитувчилар томонидан Scopus/Web of Science базаларида индексланувчи журналларда нашр этилган мақолалар сони	364	421	1 429	3 739	3 656	3 876	550	14373	2634

Марказий Осиё олималари мисолида таъкидлаш мумкинки, Қирғизистон ва Қозоғистон олима аёллари эркак олимлардан кўпроқлигини рақамлар намоён қилмоқда. Илм-фанни феминизациялашуви жадал давом этмоқда.

Шу билан бир қаторда хотин-қизлар фақат гуманитар соҳаларда фаолият кўрсата олади, деган стереотип эскича ёндашув эканлигини аниқ фактлар билан исботлаш мумкин. Ушбу жараён айниқса Қозоғистонда яққол кўзга ташланади. Механика, регенератив тиббиёт,

термоядро энергетика соҳаларга олималар ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда (Молдир Қуатова, Юлия Сафарова ва бошқ.). Ўзбекистонлик олима Дилфуза Эгамбердиева VII консултив кенгашида ЮНЕСКОнинг Karlos Finley мукофотини олди (қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият олиб боради).

Марказий Осиё минтақаси олималари барқарор ривожланиш соҳасидаги глобал ҳаракатларга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Худудий ҳамкорлик, маълумот алмашинуви ва инновацион ечимлар ёрдамида ушбу мақсадлар янада самарали амалга оширилишига ҳаракат қилинмоқда.

Марказий Осиё олималарининг илмий йўналишлардаги ҳиссаси:

Марказий Осиё мамлакатлари (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон) олималари қуйидаги соҳаларда BRMга ҳисса қўшмоқда:

А) Экология ва сув ресурслари:

- Орол денгизи фожеаси ва сув танқислиги муаммоларини ҳал этишда минтақавий илмий тадқиқотлар муҳим ўрин тутади.

- Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистон олимлари ҳамкорликда трансчегаравий сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича стратегиялар ишлаб чиқмоқда.

В) Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги:

- Генетик ресурсларни сақлаш, кам сув талаб қиладиган экинларни яратиш, органик деҳқончиликни ривожлантириш орқали очликни йўқ қилиш мақсадларига хизмат қилинмоқда.

С) Таълим ва инновациялар:

- Марказий Осиё университетлари ва илмий марказлари BRM мавзуларида изланишлар олиб борапти.

- Масалан, Назарбоев Университети (Қозоғистон), Тошкент давлат техника университети, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва бошқалар халқаро лойиҳаларда фаол қатнашмоқда.

Д) Аёллар ҳуқуқлари ва гендер тенглиги:

- Қишлоқ жойларда аёлларнинг таълим ва тадбиркорликдаги фаоллигини ошириш бўйича лойиҳалар олиб борилмоқда.

- Қирғизистон ва Тожикистонда аёл олималарнинг жамиятдаги роли кенгаймоқда.

Е) Янги технологиялар ва рақамли трансформация:

- Рақамли иқтисодиётни жорий этиш, “ақлли шаҳарлар”, экологик тоза технологиялар соҳасида ишлаб чиқарилаётган илмий ғоялар-BRMга мос келади.

Қуйида Марказий Осиё мамлакатларидан бир қанча олималар ва тадқиқотчиларнинг барқарор ривожланиш вазифаларига оид мисоллар келтириш мақсадга мувофиқ.

**Ўзбекистонда** олималар умумий олимлар орасида 48 фоизни ташкил этади.

1. Дилфуза Эгамбердиева - “Super crops” (супер экинлар) лойиҳалари бўйича микроорганизмларнинг ўсимликлар билан ўзаро таъсирини ўрганади, чекка ерлар, тузланган тупроқлар ва шўрли ерларда ҳам ўсимлик қилиб етиштириш имкониятларини яратади. Бу тадқиқотлар озиқ-овқат хавфсизлиги, тупроқни тиклаш, экологик барқарорлик каби мақсадларга хизмат қилади.

2. Лейла Белялова - биолог, эколог, Ўзбекистонда қушлар ва бошқа биология хилма-хилликни сақлаш, табиий ҳудудларда мониторинг ва муҳофаза ишлари кесимида фаол. Бу Биохилмаҳиллик мақсадларига, экологик тизимларнинг барқарорлигига ҳисса қўшади.

3. Нилуфар Роббанакуловна Авезова - қайтарувчи энергия манбаилари ва энергия самарадорлиги соҳасида кенг тадқиқот-қўллаб-қувватлаш ишлари мавжуд. Бу Ўзбекистоннинг энергия сиёсатида, атмосферанинг ифлосланишини камайтириш ва “яшил” энергетикага ўтишда муҳим роль ўйнайди.

4. Шахло Турдикулова - биология фанлари доктори, Ўзбекистон ФА вице-президенти лавозимини эгаллаган биринчи аёл бўлди. Инсон генетикаси бўйича билимга эга бўлган у

160 дан ортиқ илмий мақолалар, жумладан иккита дарслик ва иккита монография тақдим этган ва халқаро нашрларда 40 дан ортиқ мақолалар чоп этган.

5. Нилуфар Мамадалиева - биокимёгар олима, унинг илмий фаолияти Марказий Осиёдаги шифобахш ўсимликларнинг фаол моддалари фитокимёвий ва биологик тадқиқотларига қаратилган. У 2011 йили ҳаёт фанлари соҳасидаги ёш аёллар учун тақдим этиладиган UNESCO–L'Oréal мукофотига сазовор бўлган. 2014 йилда эса ривожланаётган мамлакатларнинг ёш аёл олималари учун бериладиган Elsevier Foundation Award мукофоти билан тақдирланган.

**Қозоғистон** дунёда аёл олималар улуши бўйича етакчи учлик каторида туриб, мамлакат олимларининг 55,6 фоизини аёллар ташкил этади [4].

1. К. Акатан (Kudyrnolla Akatan, Amanzholov University) - Ёпилган агро-хўжаликларда тупроқнинг ҳосилдорлигини ошириш, сувни сақлаш хосиятларига эга биогидрогеллар яратиш бўйича тадқиқот олиб бормоқда. Бу лойиҳа сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва қишлоқ хўжалигида барқарор ўсишни қўллаб-қувватлайди.

2. Аида Жагипарова ва Гуля Айдоскизи - Қозоғистонда инновация механизмларини қишлоқ хўжалигида тадбиқ қилиш, масалан прецизион фермерлик, рақамлилаштириш каби усулларни амалга оширган.

3. Кекилбаева Гулнур Раҳманқызы - Тупроқшунослик, агрохимия соҳасида, тупроқнинг ҳолати ва экологик таъсирлар бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда.

4. Дамел Мектепбаева - тадқиқотчи, биотехнолог ва кимёгар. У NASA университетиде таълим олган илк қозоғистонлик аёл сифатида тарихга кирди. У илмий фестиваллар ташкилотчиси бўлиб, қатор қозоғистонлик ва халқаро танловларда иштирок этган: Teacher Prize, Fame Lab, Science Stars, Bolashak, Technovation, Experts Hub, Menin Armanym, Zhas Project. Дамел йирик илмий тадбирларда ҳам маърузачи сифатида иштирок этган: TechConnect, Social Good Summit, TEDx Astana.

5. Кунсулу Закария - биология фанлари доктори, профессор. У 200 дан зиёд илмий лойиҳани ўз ичига олган илмий-техника дастурларига раҳбарлик қилган. 250 дан ортиқ илмий иш, жумладан нуфузли халқаро журналларда мақолалар чоп этган. 47 та ихтиро патенти, 2 та халқаро патент соҳиби. 18 та инновацион технология – вакцина, тест тизимлари ва биопрепаратлар ишлаб чиқиб, ишлаб чиқаришга жорий этган. COVID-19'га қарши миллий вакцина QazVac ишлаб чиқувчи гуруҳ раҳбари. Марказий Осиёда иммунобиологик препаратларни тўлиқ циклда ишлаб чиқариш бўйича биринчи завод технологик йўналишининг маслаҳатчиси ва эксперти. Биологик хавфсизлик соҳасида фаолият юритувчи олим. Биология фанлари доктори, профессор, кўплаб мукофотлар совриндори. Қозоғистон вакцинаси QazVac муаллифи. Бундан ташқари, у биотехнология, микробиология соҳаларида бир қатор илмий-техника дастурларига раҳбарлик қилган. Жаҳон банкининг технологияларни тижоратлаштириш дастурлари бўйича ўтказилган икки танлов ғолиби бўлган. Techcollective sea журнали томонидан тузилган «дунёдаги таниқли аёл олимлар» рейтингига кирган.

### **Қирғизистон**

- Лойиҳа GREEN KG ("Green and Digital Universities for Sustainable Development of Kyrgyzstan")

- Университетларда "яшил" ва рақамли университет институтини жорий этиш, ресурсларни тежаш, атроф-муҳит ҳимояси ва экологик билимни кучайтириш мақсадида бу тадқиқотчилар ва таълим муассасалари ўртасида ҳамкорликни ва жамиятда экология ва барқарорлик маданиятни оширишга ёрдам беради.

1. Лира Маманова – генетик, Буюк Британиядаги ENHANC3D GENOMICS биотехнология компаниясининг етакчи тадқиқотчиси. У ДНК ва РНК кетма-кетлиги соҳасида ишлайди, илгари эса маълум ва янги хужайра турларини аниқлаш технологияларини ишлаб чиқиш билан шуғулланган. Унинг ишлари дунёдаги энг нуфузли илмий нашрлар – Nature ва Science журналларида чоп этилган [5].

2. Асал Сартбаева - Марказий Осиёнинг илк тан олинган олима аёлларидан бири. У вакциналарни кремний билан қоплаш усулини ўйлаб топган. Бу тиббиёт воситаларини музлатишсиз сақлаш имконини беради. Бу бутун инсоният учун муҳим ихтиро бўлиб, ҳозирда кўплаб вакциналар музлатгичда сақланмаса, айниб қолиши, ҳатто заҳарли моддага айланиши ҳам мумкин. Бат университети (Буюк Британия) профессори, кимё фанлари доктори ва Британиянинг Қироллик Фанлар Жамияти аъзоси, биотехнологик стартап EnsiliTech ҳаммуассиси Асел Сартбаева ўз жамоаси билан бирга вакциналарни сақлаш усулини ишлаб чиқди. Ушбу усул орқали вакциналарни транспортировка жараёнида уларнинг бузилишига йўл қўйилмайди. 2024 йили стартап технологияни ривожлантириш учун 1,2 миллион фунт стерлинг инвестиция жалб қилди [6].

### **Тожикистон**

1. Софя Ҳақимова - 33 ёшида тиббиёт фанлари доктори даражасини олган илк тожик аёли. Тожикистон илм-фанига ҳисса қўшган жамоат арбоби. Душанбедаги туғруқхонада илк инсон генетикаси бўйича лабораториясини очган. Ўзининг илмий ютуқларидан ташқари, С. Ҳақимова ўз ватанида акушерлик ва гинекологик хизматларни яхшилашга чуқур интилишини намоиш этди. Қолаверса, унинг саъй-ҳаракатлари билан Душанбе ва бошқа вилоятларда замонавий туғруқхоналар қурилишига йўл очди. Унинг илмий изланишлари кенг қамровли ва серқирра бўлиб, эндокринологик гинекологияга алоҳида эътибор қаратилди. У ДНК синтезидаги эстрогенларнинг ролини ва эндометриум хужайраларининг бўлинишини ўрганиб чиқди ва бу соҳага қимматли билимларни берди. Бундан ташқари, у аёллар ва болаларда темир танқислиги камқонлиги, гемоглобинопатия ва талассемия муаммоларига эътибор қаратди. Ҳақимова тадқиқотининг яна бир йўналиши оилани режалаштириш бўлиб, унинг аёллар саломатлиги ва фаровонлигини яхшилашга содиқлигини таъкидлади. Унинг ушбу соҳадаги кашшоф иши бутун дунёда катта таъсир кўрсатди [7].

2. Саражон Юсупова - совет геокимёғари, Тожикистонда хизмат кўрсатган фан ва техника ходими, Тожикистон ССР Фанлар академияси академиги, геология-минералогия фанлари доктори эди. Тожикистон тарихидаги геокимё бўйича биринчи аёл академик бўлиб, у радиоактив стронсий олинадиган целестин конлари бўйича олиб борган тадқиқотлари билан илмий жамоатчиликда жаҳон эътирофига сазовор бўлди. Юсупова икки чақирик Тожикистон ССР Олий Совети депутати сифатида ҳам ишлаган [8].

### **Туркменистон**

- Туркменистонда Magtymguly Turkmen State Universityда барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш бўйича илмий-амалий конференциялар ўтказилган.

- Туркменистондан бир неча ёш олималар "green cement" яратиш каби лойиҳаларда қатнашганлар.

1. Аксолтан Атаева - Дипломат ва сиёсатчи Аксолтан Атаева 1995-йил 23-февралдан бери Туркменистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидagi Доимий вакили бўлиб, у ҳозирда фаолият юритаётган ҳар қандай давлатнинг энг юқори доимий вакилига айланди. Тиббиёт фанлари факультетини тамомлаган А. Атаева Туркменистон соғлиқни сақлаш вазири, ижтимоий таъминот вазири, касаба уюшмалари президенти каби кўплаб бошқа лавозимларни эгаллаган ва 1993 йилдан буён Халқ кенгаши аъзоси ҳисобланади. Ҳозирда А. Атаева Туркменистоннинг Куба, Бразилия ва Венесуэладаги элчиси. 2019-йилда Туркменистон Қаҳрамони унвони берилган [9].

### **Хулоса:**

Барқарор ривожланиш мақсадлари ва вазифаларни бажарилиши жараёнида Марказий Осиё минтақаси давлатлари олима аёллари фаол иштирок этмоқда. Бу мақсадларга эришишда илм-фаннинг, хусусан, олималарнинг роли беқиёс. Улар таҳлил, инновация, сиёсат яратиш ва фаолият самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

### **Тавсиялар:**

1. Минтақавий илмий платформалар ва форумлар сонини кўпайтириш;
2. Ёш тадқиқотчилар ва аёл олимларни қўллаб-қувватлаш;

3. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш;
4. Илмий натижаларни амалий фаолиятга татбиқ қилиш механизмларини кучайтириш.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

---

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясининг очилиши маросимидаги нутқи. president.uz
2. Ш. М. Мирзиёевнинг VII Консултатив кенгаш йиғилишидаги нутқи. Тошкент, 2025 йил, 15–16 ноябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги рақамларда (2017-2025 йй.).
4. <https://seds.nu.edu.kz/news/tpost/x84p0u5281-seds-women-the-pride-of-kazakhstan-science>
5. <https://weproject.media/en/articles/detail/13-scientists-from-central-asia-with-international-achievements/>
6. <https://weproject.media/en/articles/detail/13-scientists-from-central-asia-with-international-achievements/>
7. <https://timesca.com/great-women-in-the-history-of-tajikistan/#:~:text=An%20eminent%20medical%20scientist%2C%20Sofia,thalassemia%20in%20women%20and%20children>
8. <https://timesca.com/great-women-in-the-history-of-tajikistan/>
9. <https://timesca.com/great-women-in-the-history-of-turkmenistan/>

# ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ  
LOOK TO THE PAST

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000